



Andijon viloyat sog'liqni saqlash boshqarmasi boshlig'inining
BUYRUG'I

2022 yil "26" dekabr

№ 177

Andijon sh.

Наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш бўйича барча тиббий текширувларни амалга ошириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги ПҚ-244-сонли қарори ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 23 декабрдаги "Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кушимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги № 331-сонли буйруғларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга йуналтириш ҳамда уларга кўрсатиладиган тиббий текширувларни амалга ошириш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги "Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кушимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-244-сон қарори ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 23 декабрдаги 311-сонли буйруғи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қарор билан, 2023 йил **1 январдан бошлаб**, наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш бўйича барча тиббий текширувларни **наркология диспансерларининг ўзида**, зарур холларда бошқа муассасаларда амалга ошириш белгиланганлиги инобатта олинсин.

3. вилоят даволаш-профилактика муассасалари ҳамда барча шаҳар/туман тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари 2023 йил 1 январдан бошлаб:

наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш, уларга кўрсатиладиган клиник ва лаборатор текширувларнинг руйхати иловага мувофик тасдиклансин;

клиник ва лаборатор тиббий текширувлар-наркология муассасаларининг ўзида, зарур холларда вилоят катталар кўп тармоқли тиббиёт маркази, туман (шахар) кўп тармоқли марказий поликлиникалар,

туман тиббиёт бирлашмалари, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалида бепул амалга оширилсин;

наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориладиган белгиланган тиббиёт муассасаларида тиббий текширувларни ўтказиш учун етарли шарт-шароитлар яратилсин.

4. Бошқарма девонхона мудири (У.Холқулов) бир кун муддатда мазкур буйруқни даволаш-профилактика муасссаларига ва шаҳар/туман тиббиёт бирлашмалари раҳбарларига етказилиши таъминлансин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Бошқарма бошлиғи

А.Мирзажонов

Соғлиқни сақлаш бошқармаси
бошлиғининг 2022 йил 26 декабрдаги
177 - сонли буйргуга илова

**Наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга
юбориш бўйича клиник ва лаборатор тиббий текширувлар
РЎЙХАТИ**

Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт марказининг ҳудудий диспансерларида (кейинги ўринда-ҳудудий филиал) амалга ошириладиган клиник ва лаборатор текширувлар:

- қоннинг биокимёвий таҳлили;
- умумий қон таҳлили;
- электрокардиография(ЭКГ);
- ички аъзолар ультратовуш текширувлари (УТТ).

Ҳудудий филиалларда мавжуд бўлмаган текширувлар:

- рентгенологик текширувлар;
- вирусли гепатит-В (HbsAg-B) таҳлили;
- вирусли гепатит-С (HbsAg-C) таҳлили;
- ОИВ/ОИТС аниқлаш учун қон таҳлили;
- захм (RW) инфекциясини аниқлаш учун қон таҳлили;
- МРТ текшируви;
- ЭЭГ текшируви;
- тор соҳа мутахассислари қуриги (фтизиатр, дерматовенеролог, онколог, жарроҳ, травматолог, эндокринолог, инфекционист, кардиолог).

**Тор доирадаги мутахассислар маслаҳати учун йўналтириладиган
тиббиёт муассасалари:**

- Вилоят катталар кўп тармоқли тиббиёт маркази;
- Туман (шахар) кўп тармоқли марказий поликлиникалар;
- Туман тиббиёт бирлашмалари қошидаги шифохоналар;
- Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали.